O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

O'ZBEKISTON DEMOKRATIK PARTIYASI

O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 15-iyun • Seshanba • 71 (31.191) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик

янги босқичга кўтарилишидан манфаатдормиз

Муносабат ■ Оддий фуқаро сифатида 10 июнь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг ўнинчи йиғилишини оммавий ахборот воситалари орқали қизиқиш билан кузатдим. Саммитда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар бўйича муҳим қарорлар қабул қилгани нафақат минтақамизда, балки дунё миқёсида катта воқеа бўлди, деб ўйлайман.

Шуни қайд қилишни истардимки, Ўзбекистон раислик қилган давр, қолаверса, Президентимиз ташаббуси билан давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан илгари сурилган кўплаб таклифлар бу халқаро ташкилотнинг нуфузини оширишга, унинг нафақат Марказий Осиёда, балки бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдаги муҳим тузилма сифатида тан олинишига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Халқаро жамоатчилик Ўзбекистон ШҲТ фаолиятида аниқ ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка қаратилган амалий таклифларни, пухта ташаббусларни илгари суриб келаётганлигини эътироф этяпти. Булар орасида Афғонистон масаласи, хусусан, бу мамлакатда 30 йилдан бери давом этаётган урушга қурол кучи билан эмас, балки иқтисодий ёрдам, тинчлик ва музокаралар йўли билан барҳам бериш зарурлиги алоҳида аҳамиятга эга.

→2

Зиёдилла НОРМУРОДОВ олган суратлар.

Қонунлар ижросини таъминлаш

партиямизнинг Ҳаракат дастурини амалга ошириш ҳар бир депутатдан фаолликни талаб этади

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати ■ Сайловлар орасидаги давр сиёсий партиялар учун жуда катта имкониятдир. Сайловчига берилган ваъда шу вақтда бажарилмаса партиянинг обрўси бўлмайди, унга ишонч йўқолади. Навбатдаги сайлов тақдирини бугунги депутатлар қандай фаолият кўрсатгани ҳал этади.

Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида ташкил этилган вилоят партия кенгашининг сиёсий семинарида айнан шу ҳақда сўз юритилди.

ЎзХДП Сирдарё вилоят Кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Алишер Тошматов аҳолининг сиёсий маданияти, ҳуқуқий билимлари тобора ошиб бораётганини таъкидлади. Ҳозир кишилар ўтган вақт мобайнида вакиллик органларида қандай ишлар қилинганини сўраяпти. Демак, энди эски усулда ишлаш бизни уялтириб қўяди. Буни ҳар бир депутатимиз чуқур ҳис этиши зарур.

→2

Текшириш якунига кўра, 5 нафар қоидабузарга нисбатан жиноят иши қўзғатилди, 6 та текшириш ҳужжатлари суд идораларига юборилди. →2

Фуқаро газ ҳақини ҳадеганда тўлайвермади, судлашишга тўғри келди. Суд қарори чиқиб, ижро ҳаракатлари амалга оширилди. Ундан 618 114 сўм ундирилди. →3

Вақти келиб ҳаётга яна қайтмоқчи бўлаётганлар бу мақсад йўлида сармояни аяшмаяпти. →3

Равшан Эрматов: *Ҳар бир ўйинни масъулият билан ўтказиб, ҳамюртларим ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.* →4

ГАЗЕТАЛАРИМИЗГА ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА! ВАҚТНИ БОЙ БЕРМАНГ!

Ақл-идрок билан иш тутайлик

■ Халқимиз тинчлик ва осойишталикни жуда қадрлайди, дунёдаги энг улуғ, энг азиз неъмат, деб билади. Бугунги кунда Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик, илм-фан, маданият ва иқтисодиёт борасида қўлга киритилаётган ютуқларнинг барча-барчаси аввало тинчлик туфайли.

Халқимизда «Қўшнинг тинч — сен тинч» деган мақол бор. Мен Водилда яшайман. Қишлоғимиз Қирғизистон билан чегарадош. Ўзбек билан қирғиз минг йиллар давомида елкама-елка яшаб, топган-тутганини бирга баҳам кўриб келаётган халқлардир. Кейинги кунларда Қирғизистон жанубида юз берган зўравонликлар барчамизни қаттиқ қайғу-изтиробга солди. Чунки ери — еримизга туташ қўшни юрт тупроғида содир бўлган бундай хунрезликлар икки қардош халқ душманларининг тегирмонига сув қуяди. Шунинг учун бундай жанжалтўполонларга чидаб бўлмайди. Уларга ҳеч бепарво қараб бўлмайди.

Шуни унутмаслик керакки, қирғизнинг уйига кирган мусибат — бу аввало унга яқин қўшни бўлмиш ўзбек оиласига кирган дарддир. Менимча, Қирғизистонда юз берган воқеалар ортида иккала халқнинг ҳам келажагини кўролмайдиган, уларнинг тинч-тотув яшашидан манфаатдор бўлмаган қора кучлар турибди. Буларнинг барчаси ҳасад ва ичиқоралик билан ташкил этиляпти.

Қаранг, Фарғона туманининг ўзида қирғизлар яшайдиган 13 та қишлоқ мавжуд. Сиз бу ерда бу — ўзбек, бу — қирғиз, деган гапни эшитмайсиз. Тўю-маъракамиз, қувончу ташвишларимиз бир. Қуда-анда бўлиб кетганмиз. Биз маҳаллий халқлар бир-биримизга елкадош бўлиб, ҳамдард бўлиб, бир бурда нонни баҳам кўриб яшаганмиз ва буни ҳеч ким ўзгартиролмайди.

Куни кеча Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги берган баёнотда билдирилган фикрларни биз тўла қўллаб-қувватлаймиз. Қирғиз халқи ақл-идрок билан дунёга қараб, жаҳолатни бартараф этишига, она заминида барқарорлик ва аҳил-иттифоқлик ўрнатишига ишонамиз.

Энахон СИДДИҚОВА,
ЎзХДП Фарғона вилоят Кенгаши «Фаол аёллар қаноти» раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби.

Болаларга табассум бахш этинг

2010 йил – Баркамол авлод йили ■

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлар маркази — «UNICON.UZ» давлат унитар корхонаси касаба уюшмалари қўмитаси вакиллари М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиали талабалари билан ҳамкорликда «Болаларга табассум бахш этинг» деб номланган тадбир ўтказди.

Жорий йилдан бошлаб марказ жамоаси Юнусобод туманидаги 31-Меҳрибонлик уйини ўз васийлигига олишга қарор қилди. Талабалар томонидан болалар иштирокида қувноқ ўйинлар ва мусиқали чиқишларни ўз ичига олган махсус дастур тайёрланди. Болалар «Бременлик мусиқачилар» мультфильмидаги қўшиқни жўр бўлиб куйлашди, инглиз тилида янграган қўшиқларни тинглашди, рубоб ва гитарада жонли ижро этилган куйлар уларга манзур бўлди.

Бугунги кунда мазкур Меҳрибонлик уйида 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган 115 нафар бола тарбияланмоқда. Уларнинг кўпчилиги яқин орада пойтахтимиздаги 9-касб-ҳунар коллежида ўқийди, ўғил болалар чилангар ва пайвандчи, қизлар эса ошпаз ва тикувчи касбларига эга бўлади.

(ЎзА)

Диққат янги рукн:
ЭЛЕКТОРАТНИ ҚИЙНАЁТГАН МУАММО ■

Мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида электорат билан иш олиб боришнинг замонавий усулларидан, умумэътироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратган эди.

Аравачадаги одам

→3

ОБ-ҲАВО 15-16.06.2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	36°C	37°C
Самарқанд	36°C	37°C
Нукус	36°C	37°C
Қарши	39°C	38°C
Урганч	35°C	36°C
Навоий	38°C	39°C
Фарғона	35°C	36°C
Бухоро	37°C	39°C
Андижон	35°C	36°C
Наманган	35°C	36°C
Термиз	40°C	41°C
Жиззах	37°C	38°C
Сирдарё	37°C	38°C
Тошкент вил.	37°C	38°C
Лондон	25°C	26°C
Париж	30°C	31°C
Москва	21°C	22°C
Мадрид	32°C	33°C
Пекин	25°C	26°C
Гонгконг	31°C	32°C
Рим	30°C	31°C
Анқара	29°C	30°C
Токио	25°C	26°C
Стокгольм	21°C	22°C
Кейптаун	23°C	22°C
Қоҳира	33°C	34°C
Гавана	40°C	41°C
Вашингтон	30°C	31°C

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 15 ИЮНДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1359,71	1 Миср фунти	280,12	1 СДР	2324,15	10 Жанубий Корея вони	12,98
1 Англия фунт стерлинги	2320,81	1 Канада доллари	1542,79	1 Туркия лираси	1011,89	10 Япония иенаси	173,06
1 БАА дирҳами	432,79	1 Хитой юани	232,63	1 Швейцария франки	1387,98	1 Россия рубли	50,54
1 АҚШ доллари	1589,38	1 Малайзия рингити	487,09	1 Евро	1910,84	1 Украина гривнаси	200,76

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қонунлар ижросини таъминлаш

партиямизнинг Ҳаракат дастурини амалга ошириш ҳар бир депутатдан фаолликни талаб этади

— Халқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгашининг жами 25 нафар депутатидан 17 нафари бизнинг партиямиз вакилларидир, — деди шаҳар партия кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Исматилло Исоқов. — Бу — катта имконият, шу билан бирга, улкан масъулият. Бировга у ишни қилиш керак, бу ишни қилиш керак, деб айтиш осон. Лекин уни амалга ошириш қийин. Биз йил бошидан буён шаҳардаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт мониторингини олиб бораяпмиз. Улар асосида июль ойида бўладиган халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига шаҳар тиббиёт бирлашмасида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, ижтимоий муҳофазага муҳтож кишиларга имтиёзларнинг қўлланилиши масаласини киритаяпмиз. Бундан ташқари, янги иш ўринлари яратиш мақсадида тижорат банклари томонидан имтиёзли микрокредитлар ажратилиши масаласини ҳам депутатларимиз ўрганмоқда. Бу ҳам навбатдаги сессиялардан бирида муҳокамага киритилади.

Мен бу билан ҳамма ишларимиз яхши демоқчи эмасман. Йил бошидан буён депутатлик ҳуқуқи ҳамда назорати ваколатларидан бирор марта фойдаланмаган депутатларимиз йўқ эмас. Барча депутат бирдек фаол бўлмаса, мақсадга эришиш қийин.

— Биз шу вақтга қадар партия ташкилотларимиз ва депутатларимизнинг барчаси ҳам талаб даражасида фаолият кўрсатди деб айта олмаймиз, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Партиямизга ишонган, сайловларда унинг номзодларини қўллаб-қувватлаган электорат манфаати билан боғлиқ ижтимоий масалаларни маҳаллий Кенгашлар сессиялари муҳокамасига олиб чиқиш ғоятда муҳим, лекин бу борадаги ишимиз кўнгилдагидек эмас. Депутатларимизга берилган қонуний ваколат ва имкониятдан етарли фойдалана олмаяпмиз. Бугун ҳаёт электоратимиз манфаати билан боғлиқ масалаларни депутат назорат функциялари орқали ҳал қилишни талаб этаяпти. Жойларда депутатларнинг қандай ишлаши партия ташкилотларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу маънода, депутатлар бошини бирлаштирадиган етакчиларимизни ҳам ҳар жиҳатдан тайёрлаш зарурати туғилмоқда.

Шунингдек, «Бинокор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, халқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгаши депутати Кўлдош Туратов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шуҳрат Турсунбоев, Боёвут туман партия кенгаши раиси Раббимқул Ибрагимов, халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши депутати Рустам Қодиров, вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Ҳаётхон Ортиқбоева ва бошқалар ҳам масаланинг муҳим жиҳатларига эътибор қаратдилар.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик бирлашмаларининг фаолиятини такомиллаштириш, ҳар бир депутатнинг фаоллигини, қонун ижросини таъминлашдаги масъулиятини ошириш муҳим масала экани таъкидланди. Бу партия Ҳаракат дастурини амалга оширишнинг асосий шартларидан биридир.

Шуни эътиборга олиб, семинар иштирокчилари ислоҳотларни амалга оширишда халақит бераётган камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни очиқ-ошкора ва амалий руҳда муҳокама қилиш, депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш йўлларини муҳокама этдилар.

Депутат берилган ваколатлар ва ҳуқуқни қўллаш орқали қонунлар ижросини таъминлашда ўз ўрнига эга бўлиши керак. Шунингдек, сайловчилардан тушган таклиф ва мулоҳазаларни ўрганиш, таҳлил қилиш орқали қонунлар ижросини амалга ошириши лозим. Бу борада партия ташкилотлари, Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатлар ҳамда депутатлик бирлашмаларининг имкониятларидан тўғри, самарали фойдаланиш ғоятда муҳим. Бу, шубҳасиз, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатларнинг янада фаол ва ташаббускор бўлишини талаб этади.

ЎзХДП Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши депутатлари ҳамда шаҳар, туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари, партия тарғиботчилари семинарнинг иккинчи қисмида гуруҳларда масаланинг турли қирраларини муҳокама қилдилар.

Семинарда билдирилган танқидий фикр ва хулосалар, таклиф ва мулоҳазалар асосида электорат манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбир якунида партиямизга қабул қилинган янги сафдошларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги

депутатлик бирлашмаларининг фаолиятини такомиллаштириш, ҳар бир депутатнинг фаоллигини, қонун ижросини таъминлашдаги масъулиятини ошириш муҳим масала экани таъкидланди. Бу партия Ҳаракат дастурини амалга оширишнинг асосий шартларидан биридир.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Янги уйларга талаб ортмоқда

Самарқанд вилояти қишлоқларида намунавий лойиҳалар асосида 650 замонавий уй-жой қурилмоқда

Озод юртнинг обод уйлари ■

Президентимизнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида юртимизнинг барча жойларида бошланган эзгу ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Қишлоқ жойларда барпо этилаётган замонавий уй-жойлар, коммуникация тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари аҳолига катта қулайликлар яратмоқда.

Самарқанд вилоятида ҳам ана шундай уй-жойларга аҳолининг қизиқиши ортиб, буюртмачилар сафи кенгаймоқда. Янги уй-жойларга эга бўлиш учун «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан имтиёзли асосда узоқ муддатли кредитлар берилаётгани бунда муҳим омил бўлаётир.

Ўтган йили вилоятда қишлоқлар қиёфасини сифат жиҳатдан яхшилаш, аҳоли турар-жойлари ва ижтимоий соҳа иншоотларини меъморий режалаштириш борасида кенг кўламли ишлар бошланди. Жойларда ҳудудларнинг табиий-иқлим шароити, ижтимоий-демографик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар барпо этишга киришилди. Жумладан, Самарқанд вилоятининг Жомбой, Пастдарғом ва Пахтачи туманларининг ҳар бирида йигирматадан замонавий уй-жой қурилиб, «Қишлоқ қурилиш банк»нинг узоқ муддатли ипотека кредити асосида аҳолига топширилди.

— Ўтган йили вилоятимизнинг учта туманида барпо этилган намунавий лойиҳалар асосидаги 60 кўркам уй-жойларга аҳоли катта қизиқиш билдирди, — дейди «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Самарқанд минтақавий филиали бошқарувчиси Қаюм Собиров. — Айни пайтда мазкур уйларнинг барчасида аҳоли истиқомат қилмоқда. Бунинг учун банкимиз томонидан уй эгаларига 2 миллиард 260 миллион сўмдан зиёд узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратилди. Тушаётган талабни ҳисобга олиб, жорий йилда вилоятимизнинг 14 туманида «Қишлоққурилишлойиҳа» бош лойиҳа-қидирув институти лойиҳаси асосида 650 уй-жой бунёд этилмоқда. «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси вилоят минтақавий филиали буюртмаси бўйича барпо этилаётган уйлар қурилиши изчиллик билан амалга оширилаётир.

Ургут туманидаги Қиғғир қишлоғида 127, Пастдарғом туманининг Лолазор массивида 80, Самарқанд туманидаги Янгиариқ қишлоғида 73 замонавий уйлар қад ростламоқда. Қурилиш ишлари тендер танловларида ғолиб чиққан 28 ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш корхоналари бош пудратчилигида бажарилмоқда. Ҳозиргача қурилиш ишларига сарфланиши кўзда тутилган 43 миллиард 816 миллион сўм маблағнинг қарийб ярми уй-жойга талабгорларнинг 25 фоизлик бошланғич бадали ва «Қишлоқ қурилиш банк» кредити ҳисобидан шакллантирилди. Айни пайтда 663 киши янги қурилаётган уй-жойлар учун бошланғич бадални тўлаб бўлди. Уларнинг 650 нафари жорий йилда янги уйларга эга бўлса, қолганлари келгуси йилда қуриладиган ана шундай турар-жойлар билан таъминланади. Банк томонидан бугунги кунга қадар уч юз нафарга яқин юртдошларимизга янги бунёд этилаётган уйлар учун ипотека кредитлари ажратилди.

Ўтган йили Жомбой туманидаги Каттақишлоқ аҳоли пункти ҳудудида қурилган тўрт хонали, бир қаватли йигирмата уй-жой бугун қишлоқдаги кўркам маскан сифатида эътиборни тортмоқда. Намунавий лойиҳа асосида қисқа фурсатда бунёд этилган уйларда қишлоқ аҳолиси учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган.

— Уйларнинг замонавий, юқори сифатли қурилиш материалларидан бунёд этилгани ва, энг муҳими, оила аъзоларининг барчаси учун шарт-шароит яратилгани ҳаммамизни қувонтирди, — дейди Марғуба Ёдгорова. — Шундай замонавий уй-жойларнинг тайёр ҳолда, банк кредити асосида берилиши Юртбошимизнинг қишлоқ аҳлига катта эътибори, ғамхўрлиги ифодасидир. Болалар ва катталар учун алоҳида хоналар, меҳмонхона, ошхона, умуман, ҳамма-ҳаммаси ўз ўрнида. Уйга мос равишда шинам айвон ҳам борлиги қишлоқ анъаналари ва турмуш тарзига тўла мос келади. Асосийси, бу уйларда тўкин ва фаровон ҳаёт кечириш учун барча имкониятлар яратилган.

Айни пайтда Каттақишлоқда яна 14 ана шундай замонавий уй барпо этилмоқда. Бош пудратчи — «Кристал Жомбой строй» хусусий корхонаси қурувчилари томонидан шу кунларда уйларнинг томи ёпилмоқда.

— Илгари қишлоқда шундай замонавий уй-жойлар қурилишини тасаввуримизга ҳам сиғдира олмасдик, — дейди янги қурилаётган уй эгаларидан бири Зулхумор Қамбарова. — Ўтган йили қишлоғимизда замонавий уйларнинг қурилганини кўриб ҳавасимиз ортди. Биз ҳам шундай уй олиш ниятида буюртма бердик. «Қишлоқ қурилиш банк»ка мурожаат қилиб, уй-жой нархининг 25 фоизи миқдоридаги дастлабки бадални тўладик ва банк томонидан биз учун кредит ажратилди. Мустақиллигимизнинг 19 йиллик байрамини янги уйда нишонлаш ниятидамиз.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик

янги босқичга кўтарилишидан манфаатдормиз

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу ўринда Президентимиз томонидан кўплаб нуфузли халқаро анжуманларда бот-бот айтилаётган Афғонистонда тинчлик ўрнатмасдан туриб, Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ҳақида гапириш ортиқча эканлиги тўғрисидаги сўзларни яна бир бор ёдга олишни истардим. Бу гапларнинг нақадар тўғри эканлигини бугун ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Бугина эмас, халқаро терроризм, экстремизм, наркобизнес муаммолари ва уларнинг мақбул ечимлари тўғрисидаги Ўзбекистон илгари сурган таклифлар, ташаббусларни олайлик. Булар ҳам инсониятнинг тўртдан бир қисми яшайдиган улкан ҳудудда хавфсизлик ва ҳамкорлик зонасини яратишда ўзига хос аҳамият касб этаяптики, булар ҳам ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Тошкент саммитида алоҳида эътироф этилди.

Айни пайтда туманимиз аҳолиси ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Тошкент саммити якунлари ҳақида катта қониқиш билан гапиришмоқда.

Улар ШҲТ томонидан минтақада хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлашга йўналтирилган вазифалар изчил адо этилиши, гуманитар, ижтимоий, маданий соҳалардаги ўзаро фойдали ҳамкорлик уфқларининг янада кенгайишидан манфаатдор ва бу ишларни қизғин қўллаб-қувватламоқдалар.

Эркин АШИРМАТОВ,
халқ депутатлари
Жиззах туман
Кенгаши депутати,
ЎзХДП фаоли.

Бозорлар фаолияти назорати

Қарор ва ижро ■ Инқирозга қарши чоралар Дастурининг амалга оширилиши Фарғона вилоятида ҳам иқтисодий ўсишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб қолмоқда. Хусусан, вилоятда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш дастури асосидаги саъй-ҳаракатлар бўйича бозорларда асосий кундалик эҳтиёж маҳсулотларининг нархларини камида 20-25 фоизга арзонлаштириш режалаштирилган. Таъкидлаш жоизки, вилоятнинг барча ҳудудларида бу борада кўзланган мақсадга эришилаётир.

Айни пайтда вилоятда 120 та бозор фаолият кўрсатаётган бўлса, барчасида юқоридаги тамойил асосида, яъни интизом ва қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Мисол учун, жорий йилнинг апрель ойи учун бюджетга тушумлар режаси 386,9 млн. сўм белгиланган бўлиб, ойлик режа 100,1 фоизга бажарилиши таъминланди. Бу орқали апрель ойида маҳаллий бюджетга йил бошига нисбатан тушумлар сезиларли даражада оширилиб, март ойига қараганда 83,9 млн. сўмга кўпайди.

Ўз навбатида бозорлар даромадидан маҳаллий бюджетга тушумлар бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларини кетма-кет икки ой давомида бажарилишини таъминламагани учун ўтган даврда маҳаллий ҳокимликларга 65 та тақдимнома киритилди. Шу асосда 11 та бозор раҳбарлари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Маълумки, Президентимизнинг жорий йил 8 январдаги «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш Бош бошқармаси фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур тузилманинг Фарғона вилоят бўлими томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

— Бўлимимизнинг зиммасига биринчи навбатда бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш ишларини аниқ режа асосида олиб бориш ва мувофиқлаштириш юкланган,— дейди биз билан суҳбатда **Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг «Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси» Фарғона вилоят бўлими бошлиғи Умархон Нисбатхонов.** – Биргина март-апрель ойлари мобайнида ҳукуматимизнинг соҳага оид қарорлари ижроси юзасидан вилоят бозорларида 28 та ҳолатда қоидабузарликлар аниқланиб, ноқонуний сотилаётган товар моддий бойликлар савдодан олиб қўйилди. Текшириш якунига кўра, 5 нафар қоидабузарга нисбатан жиноят иши қўзғатилди, 6 та текшириш ҳужжатлари суд идораларига юборилди.

Мисол учун, бўлим ходимлари томонидан Қўқон «Буюм бозори»да ўтказилган қисқа муддатли текширишда шу шаҳарда яшовчи тадбиркор Б. Илёс ноқонуний равишда чет элда ишлаб чиқарилган 623 литр ўсимлик ёғи билан савдо қилаётганлиги аниқланган ва 2052,2 минг сўмлик ҳеч қандай ҳужжатсиз бу маҳсулотлар далилий ашё сифатида олинган. Марғилон шаҳридаги «Қурилиш материаллари бозори»да ўтказилган навбатдаги тадбирда марғилонлик тадбиркор М. Муроднинг қонунга хилоф бўлган хатти-ҳаракатлари фош этилди. Маълум бўлишича, ушбу тадбиркор Россиядан келтирилган 2023 дона, умумий қиймати 19748,8 минг сўмлик қурилиш материалларини ҳеч қандай ҳужжатсиз савдога қўйган. Айни пайтда юқоридаги икки ҳолат ҳамда бошқа барча қонунбузарликлар бўйича бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бўлими ходимлари томонидан ҳуқуқий хулоса бериш учун суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, бўлим ходимлари томонидан вилоят бозорларида сотувчи ва харидорларга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида қўшимча тошгарозилар харид қилиниши, янги жиҳозлар олиниши каби кўплаб чора-тадбирлар белгиланди. Энг муҳими ва асосийси, назорат тадбирлари натижасида патта тушумлари 2009 йилнинг 4 ойига нисбатан 678,6 млн. сўмга (158,4 фоизга), бюджетга тушум миқдори 422 млн. сўмга (172,3 фоизга) оширилишига эришилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бозорларимиз мамлакатимиз иқтисодий қудратини юксалтириш, иқтисодий тараққиёт мезонларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Демак, бу борадаги саъй-ҳаракатлар кундалик фаолиятимиз ва ҳар бир хатти-ҳаракатимизда намоён бўлиши керак.

Марғилон шаҳридаги

«Қурилиш материаллари бозори»да ўтказилган навбатдаги тадбирда марғилонлик тадбиркор М. Муроднинг қонунга хилоф бўлган хатти-ҳаракатлари фош этилди. Маълум бўлишича, ушбу тадбиркор Россиядан келтирилган 2023 дона, умумий қиймати 19748,8 минг сўмлик қурилиш материалларини ҳеч қандай ҳужжатсиз савдога қўйган.

Баҳром ОБИДЖОНОВ,
Фарғона вилоят
ДСБ Ахборот
хизмати бошлиғи.

АРАВАЧАДАГИ ОДАМ

Электоратни қийнаётган муаммо ■ Юнусободлик Муяссар Мансурова барча қизлар каби чиройли кийинишни, ўзига оро беришни ёқтиради. Қўли ширин пазанда, у тайёрлаган таом ва пишириқларни оила аъзолари мақтаб-мақтаб ейишади, келинойилари тадбирга отланишса, «бирон нарса пишириб беринг», деб туришади. Муяссар бухгалтерия ва компьютер курсларида ўқиган. Маълумоти, қизиқишига яраша иш излаб топди ҳам. Аммо уйидан ишхонагача бўлган йўналишни, шарт-шароитни ўргандию, фикридан қайтди. Ўзига мос иш топган бўлса-ю, ундан воз кечгани нимаси, деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, Муяссар аравача ёрдамида ҳаракатланади.

Абдивоси ХАЙДАРОВ олган суратлар.

— Аравачадаги одамга қузатувчилик қилишнинг ўзига хос машаққат ва масъулияти бор, — олдиндан мени огоҳлантиради Муяссар. — Шуларга рози бўлсангиз, қани, кетдик. Ўзингиз сафаримиз давомида бунга гувоҳ бўласиз.

Аравачанинг орқасидаги тутқичдан ушлаб бораётган бўлсам ҳам Муяссарга ёрдамим лозим эмаслигини ҳис қилдим. У ўзининг ҳаракатланиш воситасини моҳирона бошқарарди.

Йўл бўйи суҳбатлашиб кетдик.

— Биласизми, гоҳо рўзғорга тўсатдан бирон нарса — гугуртми, совунми, тузми керак бўлиб қолади. Шундай пайтда уйдагиларга жуда ёрдам бергим, маҳалла бошидаги дўконга чиқиб келгим келади. Аммо... Мана, ўша дўкон.

Дўкон эшиги олдига келганимизда муаммони тушундим — бинога тўртта зинапоя орқали кирилар экан. Тўхтаб қолганимизни кўрган сотувчи қизлардан бири югуриб чикди. Омборхона дарвозаси олдида юк тушираётган яна бир ходимни чақирди ва уч киши ёрдамида аравача бир зумда ичкарига олинди. Бир қарасангиз муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлганга ўхшаб кўринади. Лекин мана шу лаҳзаларда Муяссарнинг кўзларида розиликдан кўра хижолат ифодаси бор эди. У харид учун раста оралаб кетди.

Биз эса дўкон мутасаддиларидан бири Меҳринисо Нормуҳамедова билан суҳбатлашдик.

— Зиналар ёнида аравача ҳаракатланиши учун пандус бўлиши лозимлигини билмас эканмиз, — деди у. — Тўғрисини айтсам, шу ерда икки йилдан буён савдо қилаётган бўлсак аравачадаги харидорнинг биринчи бор кириши. Бинони ижарага олганмиз, эгасига айтамиз, пандус ётқизиб беради.

Чиқаётганимизда юқоридаги манзара яна такрорланди. Бизга дўкон хизматчилари ёрдамга келишди.

Автобус бекатига етгунимизча Муяссарнинг мулоҳазаларини тинглайман.

— Бозор-ўчарга ёлғиз ўзим чиқмайман, ёнимда ҳеч бўлмаса кичик жияним бўлади. Аравачамиз ўтолмайдиган бирон тўсиққа дуч келиб қолсак, ўзининг кучи етмаса, бошқалардан ёрдам сўрайди. Лекин ҳамма ҳам кўмак беравермайди. Баъзан индамай ўтиб кетишади. Бироқ нажотсиз қолмаймиз — орқада келаётган бошқа бир меҳрибон инсон ёрдамга ошиқади. Мен каби имконияти чекланганлар ана шундай хижолатли вазиятларга тушиб қолишдан жуда қўрқамиз. Бизнинг тўсқинликсиз ҳаракатланишимиз учун имкониятлар яратиш қонунда белгилаб қўйилганидан яхши хабардорман. Аммо бу талаблар ҳамиша, ҳамма жойда бажарилаётгани йўқ.

Худди бу гапларнинг тасдиғидек, ҳаракатимизни тўхтатишга мажбур бўлдик. Об-ҳаво маркази бекати ёнида пиёдалар чизиғидан йўлакка ўтолмаслигимизни тушундик — олдимизда энсиз бўлса ҳам ариқча бор эди. Муяссар бекатга етиб олиш учун гарчи хатарли бўлса-да, катта йўл бўйлаб ҳаракатлана бошлади, ҳам учрашини эшитганман.

Агар бекатлар, автобуслар ногиронлар аравачаси ҳаракатланишига мос бўлса, улар жамоат транспортига бемалол кириб-чиқиш имконига эга бўларди ва бундай одамларни тез-тез кўрган бошқа йўловчиларнинг кўзи кўникиб, юқоридаги гапларни айтмасмиди?

Ҳозирча Муяссар кўча-кўйга, клубларда танишган тақдирдош дўстлари билан учрашувларга чиқанида ўз машиналаридан ёки таксидан фойдаланади. Яқинда шундай дугоналари билан Бобур боғига дам олишга боришди. Боғга кираверишда нишаби баланд бўлса ҳам пандус бор экан. Боғ ичида ҳам бемалол ўзи айланди. Жияни Миразиз эса бошқаларга ёрдам берди.

Қариндошлариникида тўй-томоша бўлса ҳам биринчи навбатда Муяссар таклиф қилинади... Яқинда опаси тўй қилди, тантана «Сетор» ресторанида ўтказилди. Яна ҳар доимгидек қариндошлар уни ресторанга аравачаси билан кўтариб олиб чиқишди. Умуман, нечта ресторанда тўю-тантаналарда қатнашган бўлса, биронтасида аравача ҳаракатланиши учун имконият борлигини Муяссар эслолмайди.

Сирасини айтганда оиланинг барча аъзолари унга меҳр билан қарайди.

— Аммо барча оилада ҳам шундай шароит бўлмаслиги мумкин-ку, — дейди Муяссар. — Қолаверса, имконияти чекланган одамлар бировга юк бўлишни истамайди, кимгадир оғирлиги тушаётганидан хижолат бўлади.

Қиз Тошкент Ахборот технологиялари университетида ҳомийлар кўмаги билан ташкил қилинган бепул ўқув курсларидаги худди шундай вазиятни эслайди.- Курсга таклиф қилинганларнинг кўпчилиги охиригача ўқимади. Чунки биринчи қаватга олиб кирадиган зинапоя анча баланд, уларни қоровуллар ва талаба йигитлар олиб кириб, олиб чиқиб қўйишарди.

Йўл-йўлакай мазкур университетга киришга қарор қилдик. Дарҳақиқат зина баланд, пандуслар йўқ эди...

Муяссар билан тушликни бирга қилишга келишдик.

— Мана шу ерда «Бухоро» кафеси бор, овқатларини жуда мақташади, — деди ҳамроҳим.

Кафе саҳни анча қуйида жойлашган экан. Ўндан ошиқ пиллапоядан тушишимиз лозим эди.

— Сизга ёрдам керакми? — кафенинг бир неча хизматчиси дарров атрофимизни ўраб олди.

Кузатиб туришган эканми, овқатланиб бўлиб, ўрнимиздан қўзғалишимиз билан яна етиб келишди ва аравачани кўтариб, тепага чиқариб қўйишди.

— Кўча-кўйда одамлар ачинганидан эмас, чин кўнгилдан ёрдам берсалар хурсанд бўламан. Аммо, барибир тортинаман, ахир улар қилаётган ишларини қўйиб, мен учун вақтларини сарфлайди-ку! Уларга қарата: **Менинг аравачамни кўтарманг, ўзимни жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳис қилишим учун, тўсқинликсиз ҳаракатланишим учун шароит яратиб қўйинг, дегим келади.**

Афсуски, бу қулайликларни яратиш кўча-кўйда ёрдамга ошиққан оддий йўловчига эмас, турли идораларда ўтирган катта-кичик раҳбарларга, мутасаддиларга, имконияти чекланган инсонлар манфаатига хизмат қиладиган қонун-қоидаларни бажаришга, қандай бажарилаётганини назорат қилишга масъул кишиларга боғлиқ.

Балким, ресторан ёки дўкон эгасини ўз иншоотида имконияти чекланган одамнинг бемалол ҳаракатланишига шароит яратиб қўйиши учун уни ногиронлик аравачасига бир кун ўтқазиб қўйиш керакмикан?!

Яна билмадик. Қонун талабларини бажармаганлик учун иқтисодий чоралар ҳам боркуя. Аммо улар амалда қўлланиляптими?!

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўтган йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамкорлигидаги ACCESS лойиҳасининг журналистлар учун мўлжалланган «Ногиронликни тушунишга ижтимоий ёндошув» ўқув семинарида иштирок этгандим. Ўша семинарда ғалати машғулот ўтказилди. Журналистлардан бирининг кўзини, бирининг қўли ёки оёғини боғлаб, аравачага ўтқазиб турли юмушларни бажариш ҳақида топшириқ берилди. Тўғрисини айтсам, ушбу мақоланинг ёзилишига ҳам шу машғулот туртки берди.

Алия ЮНУСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси юридик фанлари номзоди:

— Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунда ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига (турар-жойларга, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига, иморатлар ва иншоотларга, соғлиқни сақлаш ва спорт объектларига, маданий томошагоҳ ҳамда бошқа муассасаларга) тўсқинликсиз кириши учун, шунингдек, темир йўл, ҳаво, сув транспортидан, шаҳарлараро автомобиль транспортидан, шаҳар ва шаҳар атрофига қатнайдиган йўловчилар транспортининг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа воситалари ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш бўйича ушбу қонунда назарда тутилган талабларни бажарганлик учун ташкилотларга энг кам иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача жарима солинади.

Жарима солиш суд томонидан, ташкилотлар ҳуқуқбузарлик содир этишдаги айбига иқрор бўлган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиши органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда амалга оширилади.

Қонуннинг бу моддаси ҳаётда қай даражада самарали ишлаши эса, албатта, ногиронлар жамиятларига, ногиронларнинг ўз ҳуқуқларини билишига, уларнинг бу ҳуқуқлардан тўлиқ фойдалана олишига бефарқ бўлмаган атрофдаги одамларга, қолаверса ҳаммамизга боғлиқ.

Абдусамат АБДУСАЛОМОВ,
Республика ногиронлар жамияти раиси, тиббиёт фанлари доктори:

— «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз кириши, транспортдан алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун барча шарт-шароитлар яратиш белгилаб қўйилган. Ана шу қонунга асосан бинолар, иншоотлар ва уларнинг комплексларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш нормалари ва қоидалари ногиронларнинг тегишли жамоат бирлашмалари фикрини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Мазкур лойиҳалар жамиятимиз билан келишилгандан сўнг тасдиқланяпти. Бунинг натижасини амалда кўришингиз мумкин — янги қурилган биноларда ногиронларнинг эркин кириши ва ҳаракатланиши учун имкониятлар яратилган.

Олдин қурилган биноларда, айрим ҳолларда бундай шароитларни яратишнинг техник имконияти бўлмай қолиши ҳам мумкин. Бундай вақтда тегишли ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органларининг саъй-ҳаракатлари, инсонга эътибори жуда муҳим. Шаҳримизда кўп қаватли уйлар атрофида имконияти чекланган кишиларнинг бемалол сайр қилиши учун шароит яратиб қўйган маҳаллалар бор.

Пойтахтимизда ногиронлик аравачаси билан бошқаларнинг ёрдамисиз чиқиш мумкин бўлган қулай мосламали дастлабки автобуслар ҳам пайдо бўлди. Афсуски, барча бекатлар бундай жамоат транспортига аравачадаги одамнинг бемалол чиқишига мослашган деб бўлмайди.

Бир қарич баланд кўтарилган бекат саҳнига аравача чиқолмади, Муяссар соябон тагида эмас, қуёш тафтида автобус пойлаша мажбур бўлди.

Йўловчи олиш учун тўхтаган автобусга интилдик.

— Аравачангиз сиғмайди, — ҳайдовчи айбдорона бош чайқади.

Кейинги автобусга чиқишга уринишимиз ҳам бекор кетди. Шошилаётган йўловчилар бизга ёрдамга ошиққанларни ҳам туртиб-суртиб ўтиб кетди.

— Жамоат транспортида юриш — орзуим, — дейди Муяссар. — Ўқув курсларига қатнаганимда акам ўз машинасида олиб борарди. Бировга оғирлигим тушишини ҳеч ҳам истамайман. Лекин баъзида мажбур бўласан. Жамоат транспортига чиқиб кўрган дугоналаримдан «мана бунга нима зарил экан, уйда тинчгина ўтирмайдими?» дейдиганлар ёнгинамиздан машиналар ғиз-ғиз ўтарди.

Йўлчи ҳам, ҳайдовчи ҳам ҳаракатланишимизга ҳеч ҳам ҳисобланмаганлиги, ҳеч бўлмаганда, ёрдамга ошиқмаганлиги ҳаммамизга ёмон таъсир ўтказди. Ҳеч бўлмаганда, ҳеч ким ҳеч нимадан ҳабардор эмас эди. Ҳеч ким ҳеч нимадан ҳабардор эмас эди. Ҳеч ким ҳеч нимадан ҳабардор эмас эди.

Жаҳон чемпионати кундалигидан

■ Бугун барча футбол ишқибозларининг нигоҳи Жанубий Африка Республикаси яшил майдонларига қаратилган. XIX жаҳон чемпионати дастлабки тур баҳслари давом эттирилмоқда. Мусобақанинг «С» гуруҳидан жой олган Жазоир — Словения терма жамоалари учрашуви тақдирини европаликлар томонидан киритилган ягона гол ҳал қилганди — 0:1.

«Д» гуруҳининг Германия — Австралия футболчилари учрашувида яшил қитъа вакиллари ўз дарвозаларидан жавобсиз тўртта тўп олиб чиқишди — 4:0. Мазкур ўйинда германиялик Миослав Клозе мундиал баҳсларидаги ўзининг ўн биринчи тўпини киритди. Яна бир қизиқарли учрашув Сербия — Гана терма жамоалари ўртасида кечди. ЖАРда ўтаётган жаҳон чемпионатидаги илк пенальти мазкур учрашувда қайд қилинди. Ундан ганаликлар унумли фойдаланишди — 0:1.

Кеча «Е» гуруҳида. Голландия — Дания (2:0), Япония — Камерун (1:0) учрашувлари бўлиб ўтди.

Равшан Эрматов: «Халқимиз ишончини оқлаймиз!»

■ Жанубий Африка Республикасида футбол бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионатининг илк учрашувини муваффақиятли бошқарган ФИФА рефериси Равшан Эрматов www.uzreferee.com сайтига батафсил интервью берди.

— Жаҳон чемпионатининг очилиш учрашувига тайинланганингизни билганингизда нимани ҳис қилдингиз?

— Бу мен учун кутилмаган хушхабар бўлди ва уни катта хурсандчилик билан қарши олдим.

— Сиз ва бригадангизга ЖАР иқлимига мослашиш қийин бўлмадими?

— Бу бизнинг ЖАРга биринчи ташрифимиз эмас. Шу боис бу ерда бизни қандай иқлим шароити кутаётганини яхши билардик. Бундан ташқари, Жанубий Африка Республикасига мусобақадан бир ҳафта олдин етиб келдик. Иқлим, таом ва иш-машғулот тартибига мослашиб бўлгандик.

— Жар — Мексика терма жамоалари ўйинидаги вазиятлар сизга қийинчилик туғдирмадими?

— Шахсан мен учун ўйиндаги ҳар бир вазият муҳим эди. Мен бир сонияга бўлса ҳам ўйиннинг назоратини қўлдан чиқаришим мумкин эмасди. Шунинг учун қандайдир вазиятни ажратиб алоҳида кўрсата олмайман. Ўйинни назоратда ушлаб туриш эса ҳакамликнинг муҳим жиҳатларидан бири. Биз ҳар бир вазиятни кўздан қочирмасликка ҳаракат қилдик.

— Ҳакамлар назоратчиси ким эди ва у ҳакамлик ҳақида қандай фикр билдирди?

— Бу ўйинга ФИФА ҳакамлар қўмитаси аъзоси малилик Амаду Диаките назоратчи этиб тайинланганди. У бизнинг ишимизга яхши баҳо берди. Ўйиндан кейин у ва ФИФА ҳакамлар қўмитаси раиси жаноб Анхел Мария бизнинг хонамизга кириб келишди ва яхши ҳакамлик билан бизни табриклашди.

— Кейинги ўйинларга қай тариқа тайёргарлик кўрасиз?

— ФИФА графиги асосида тайёргарликни давом эттирамиз. Эрталаб 3 соат давомида майдонда шуғулланамиз. Тушдан кейин эса хонада назарий машғулотларни олиб борамиз. Мен учун қайси ўйинга тайёргарлик олиб боришнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Мусобақанинг очилиш ўйинига қандай тайёргарлик олиб борган бўлсам, бошқа ўйинларга ҳам шундай ҳозирлик кўраман. Шу боис кейинги ўйинда ҳам жисмоний ва руҳий жиҳатдан энг юқори формада бўлишга ҳаракат қиламиз. Бундан ташқари, биз жаҳон чемпионатининг барча ўйинларини кўриб, уларни таҳлил қилиб борамиз.

— Ўзбекистон халқи сизга ва ёрдамчиларингизга мухлислик қилишмоқда. Сизнинг жаҳон чемпионатидаги фаолиятингизни диққат билан кузатиб бораётган футбол ишқибозларига нима деган бўлардингиз?

— Ўзим ва ёрдамчиларим — Рафаэл Илёсов ва Баҳодир Қўчқоров номидан бизга мухлислик қилаётган ва қўллаб-қувватлаб турган барчага миннатдорчилик билдирмоқчиман. Билингки, биз буни Африка майдонларида яхши ҳис қилиб турибмиз. Бизга тикилиб турган нигоҳларнинг барчаси биз учун қадрли эканлигини жуда яхши биламиз. Биз халқимизнинг ишончини оқлаш учун қўлдан келган барча ишни қиламиз.

Эркин ХОЛБОБО оққа кўчирди.



Урганч автомобиль ва йўллар коллежи

учта йўналиш бўйича мутахассислар тайёрлайди

■ Коллеж биносини кўрган кишининг ҳаваси келади. Ўқув қуроллари билан таъминланган, замонавий асбоб-ускуна, мебеллар билан жиҳозланган шинам фан хоналари ва лабораторияларини айланган кишининг ўқишга иштиёқи ошади. Ўттиз беш мингдан ортиқ китоб фондига эга ахборот-ресурс марказига кирган киши албатта ўзини қизиқтирган бирор китобни олиб варақлайди, ёки компьютер қаршисига ўтириб ўзига керакли маълумотни излайди.

Меҳнат жамоасидаги ўқитувчи-мураббийлар тажрибали, ташаббускор. Уларнинг сафига иқтидорли ёш кадрлар келиб қўшиляпти. Ўз касбининг устаси бўлган педагог кадрларнинг изланувчанлиги туфайли «Автомобилларда юк ташиш ва уни ташкил этиш», «Корхона ва аҳолига транспорт-экспедиция хизмати кўрсатиш», «Ёшларда юксак маънавиятни шакллантиришнинг юксак омиллари» деб номланган ўнлаб ўқув қўлланмалари яратилди.

— Битирувчиларимизнинг эртанги ҳаёт йўллари биз берадиган таълим-тарбиямизга боғлиқ эканини билганимиз учун ўқув жараёнига мунтазам равишда илғор педагогик технологияларни жорий этяпмиз, — дейди **коллеж директори, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Эгамберган Каримов.** — Иқтидорли ўқувчиларимиз билимма-лакаларини ошириб боришлари учун фан ва касб тўгаракларини йўлга қўйганмиз. Соҳага оид дарслар устахоналарда олиб борилади. Ўқувчиларнинг амалий машғулотларини, бевосита вилоят транспорт корхоналарида ўтказишига алоҳида эътибор қаратганмиз. Шу боис коллежимизнинг ўн мингдан ортиқ битирувчиси мамлакатимизнинг турли корхоналарида мутахассислиги бўйича ишлаб келаётганидан ҳар қанча фахрланса арзийди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастуридан келиб чиқиб, коллежнинг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланяпти. Янги дарслик, қўлланма ва ўқув қуроллари олишга буюртма берилди. Ўқувчиларнинг билими ва ҳаётий тажрибасини ошириш мақсадида долзарб мавзуларда маданий-маърифий тадбирлар ўтказиляпти.

Жиноят иши қўзғатилди

Газетада босилмади, аммо... ■ «Хоразм вилояти, Шовот тумани, «Меҳнатобод» жамоа хўжалигида яшовчи ўқитувчи Қ.Душамовнинг 22- сонли умумий ўрта таълим мактабида юзага келган муҳит ва директорнинг ножўя фаолияти ҳақида таҳририятга йўллаган шикоят хати жойида ўрганиш учун вилоятдаги мухбиримизга юборилган эди.

Шикоят аризаси ўрганилди ва текширув натижалари таҳририятга юборилди. Маълум бўлишича, шикоятда ёзилган ҳолатларга вилоят халқ таълими бошқармаси ва туман прокуратураси эътибор қаратган. Қуйида туман прокуратураси ва вилоят халқ таълими бошқармасидан келган жавоблар эълон қилинмоқда.

«Мактаб директори Э.Кўчқаров томонидан ўз иш фаолияти давомида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг қарорлари талаблари бузилиб келинган, натижада мактабда ўқувчиларга номутахассис ходимлар томонидан дарс берилишига йўл қўйилган.

Жумладан, мактаб директорининг ўғли Қ.Кўчқаров тупроқшунослик ва агрохимия мутахассиси бўлишига қарамасдан, унга 16 соат биология фанидан, М.Қаландарова фойдали қазилмаларни геологик қидириш ва хариталаш бўйича мутахассис бўлса-да, 14 соат география фанидан, қизи М.Кўчқарова бошланғич синфларда ўқитиш бўйича ўрта махсус маълумотга эга бўлишига қарамай, унга 0,5 ставка рус тили фанидан дарслар берилишига йўл қўйилган.

Бундан ташқари, Қурамбай Салаев мактабда хўжалик ишлари мудири, яъни моддий жавобгар шахс лавозимида ишлаб, фаолияти давомида унга ишониб топширилган 2,02 метр куб, ҳар бир метр куби 103 минг сўмга баҳоланган жами 208060 сўмлик пол тахталарини 2010 йил февраль ойида нотаниш шахсларга сотиб юбориб, давлат мулкини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлиги маълум бўлди.

Текшириш даврида Қ.Кўчқаров, М.Қаландарова ва М.Кўчқаровалар номутахассис деб топилиб, мактаб директорининг 2010 йил 16 март кунги 62-,63- ва 64-сонли буйруқларига кўра эгаллаб турган лавозимларидан озод қилинди ва мактаб хўжалик ишлари мудири Қ.Салаевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди ҳамда қонунбузилиш ҳолатлари, уларнинг келиб чиқишига имкон яратаётган шарт-шароитлар ва уларни бартараф қилиш ҳақида туман халқ таълими бўлими бошлиғи номига тақдимнома киритилди.

Шовот туман прокурори, Адлия кичик маслаҳатчиси Ш. Исмаилов».

«Кўчқаров Эгамберган — Шовот туманидаги 22-сонли умумий ўрта таълим мактаби директори билан тузилган Меҳнат шартномаси тарафларнинг келишувига биноан (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 97-моддаси 1-банди) бекор қилинсин. Хоразм вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Э. Худойназаров».

Инсон самимиятдан даво топади...

Миннатдорлик ■ Кейинги пайтда бироз саломатлигимга шикаст етаётгандай бўлди. Ўзимдаги ўзгариш қандай касалликнинг белгиси эканини сезиб, руҳим тушиб кетди. Одатдаги кунлардан бирида ўзим истиқомат қилаётган Яккасарой туман тиббиёт бирлашмаси марказий поликлиникаси бош шифокори Саидмурод Исмоилов ҳузурига бордим. Илк танишувданоқ унга меҳрим тушди.

Ҳаёт кўзимга яна бениҳоя гўзал бўлиб кўрина бошлади. Узоқ умр кўриб, шу беқиёс заминга имкон қадар хизмат қилиш истаги туғилди. Саидмурод Исмоилов, бош шифокор муовини Раъно Носирова ҳамда эндокринолог Саида Пўлатова мутахассис сифатида хасталикдан ҳимояланишим учун тавсия беришди. Уларнинг таклифи билан Тошкент Тиббиёт академиясининг 3-клиникасига даволаниш учун бордим. Очиғи, шифохонанинг барқ уриб очилган анвойи гулларини кўрган кишининг баҳри- дили очилади. Беморлигини эсдан чиқариб қўяди. Бош шифокор Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими, доцент Муродин Қодиров клиникадаги юксак малакали тиббий хизматдан, шифохона ҳудудини ободонлаштиришгача — барча-барчасига бош-қош.

Шифохонада муолажа олаётган беморлар шифокорлар Абдуқодир Қурбонов ва Илсун Зиганшиндан миннатдор.

Тиббий муассасага борган куним Абдуқодир Қурбонов менга қанд касалини даволаш мушкуллиги ҳақида бир оғиз ҳам гапирмади, аксинча, узоқ умр кўришим учун асабни асраш, бадантарбия, парҳез қилиш, эндокринолог кўригидан ўтиб туриш зарурлигини айтди.

Тиб илмининг султони Ибн Синонинг шифокор беморни фақат доридармон билан эмас, биринчи навбатда, ширин сўзи билан даволаши зарурлиги ҳақидаги ўгити ёдимга тушди. Агар шифокорнинг муомаласи совуқ бўлса, соғаяётган беморнинг ҳам кайфияти тушади, касаллиги ортади, ҳаётга бўлган муҳаббати сўна боради. Биз беморлар эндокринолог Ҳамидахон Бойму-ҳамедова ҳамда лор-врач Гулчеҳра Аъзамова муолажаларидан даво топдик. Оқ халатли фариштага ўхшаган бу шифокорларнинг самимий муомаласи туфайли дарддан фориғ бўлдик.

Абдулғани СУЛАЙМОН

Шифохонага борган куним

Абдуқодир Қурбонов менга қанд касалини даволаш мушкуллиги ҳақида бир оғиз ҳам гапирмади, аксинча, узоқ умр кўришим учун асабни асраш, бадан тарбия, парҳез қилиш, эндокринолог кўригидан ўтиб туриш зарурлигини айтди.

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

манфаатли шартларга асосланган **«Умид»** *омонатини таклиф этади.*

Омонатга маблағлар 15 ой муддатга қабул қилиниб, фоиз даромадлари ҳар ойда ҳисобланади ва омонат қолдиғига қўшиб борилади. Омонат бўйича ҳисобланган фоиз даромадлари мижознинг биринчи талаби бўйича берилиши таъминланади.

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Қўшимча маълумотларни 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин. ***Хизматлар лицензияланган***

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 549
13355 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 00.00
1 3 4 5
Sotuvda erkin narxda